Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 15-mart, shanba № 33-34 (3383)

«Ташаббус – 2014»

Тадбиркор ва ишбилармонлар кўриги

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус — 2014» кўрик-танловининг Фарғона вилояти босқичида 55 нафар тадбиркор, фермер ва ҳунарманд иштирок этди.

Бугунги кунда вилоятда 52 мингдан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатиб, уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 61,9 фоизни ташкил этмоқда. Президентимиз раҳнамолигида соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор, яратилаётган шароит ва қулай инвестицион муҳит ушбу субъектлар эришаётган ютуқларнинг муҳим омили бўлмоқда.

Тадбирда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва хўжалик юритишнинг бошқа соҳаларида самарали фаолият олиб бораётган кичик бизнес вакилларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, илғор тажрибаларини оммалаштириш ва ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишда аньанавий «Ташаббус» кўрик-танлови муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди.

«Энг яхши тадбиркор» номинациясида Қўштепа туманидаги «Исмоилжон гиламлари» хусусий корхонаси раҳбари Иброҳимжон Султонов, «Энг яхши фермер» номинациясида Қува туманидаги «Роҳатой» фермер хўжалиги раҳбари Авазбек Тешабоев, «Энг яхши ҳунарманд» номинациясида риштонлик кулол Усмонали Тошпўлатов ғолибликни қўлга киритди ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

Тадбирда Фарғона вилояти ҳокими Ш.Ғаниев сўзга чиқди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

Мукимжон КОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

Суратда: кўрик-танлов ғолиби, риштонлик кулол Усмонали Тошпўлатов.

Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

Фасллар келинчаги баҳор юртимизнинг жануби Сурхондарёдан бошланади. Қир-адир ва беткай ерларда чучмома, қоқи, бойчечаклар бўй кўрсатади. Баҳор келганининг нишонаси сифатида даставвал бодомлар гуллайди. Дарахтлар куртак ёзади. Шундай кезларда наинки Сурхондарёда, балки мамлакатимизда довруқ таратган Ангор туманидаги «Саидносирхон», Шеробод, Қумқўрғондаги барча фермер хўжаликлари дала бошида катта қўчқор сўйилиб, ерга барака уруғини қадаш бошланади.

Бибинор момо «Янгиер» қишлоғининг қайвони онахонларидан. Ёши етмиш бешда. Кўзлари тийрак, ҳали-ҳануз игнага ипни ўзи ўтказади. Хотираси тиниқ, қариндошлари қатори бошқа қавмларнинг шажарасини айтиб, барчани лол қолдиради. Уйда бекор ўтирмайди: урчуқ йигиради, гилам тўқийди, қўшниларнинг келинларига чопон қавишни, тўнга чироз солишни ўргатади. Момо ҳар йили баҳорда қўни-қўшниларининг бошини бириктириб, хонадонларда тозалик, ободончилик ишларини олиб боради. Ўзи назорат қилиб, энг обод хонадон келинига нафақасидан орттириб рўмол ёки чиройли кўйлаклик олиб беради. Барчани тўплаган ҳолда «Энг обод уйнинг келинчаги» дея элга танитиб, совғасини топширади. Қишлоқ келинчаклари учун момонинг совғаси катта тимсол, ҳавас саналади.

Момо бу йилги тадбирларига яна бир янгилик киритди. Баҳор бошланиши олдидан барча эркак қўшниларини уйига таклиф қилди. Сабабини сўраганларга «Нафақамни олгандим, сизлардек ўғилларимга бир пиёла чой бермоқчиман-да», деди. Чой баҳона момо дилидагини тилига чиқарди: «Ёшим бир жойга бориб қолди. Сизларнинг иттифоқ юришларингиз биз қарияларнинг бахти. Бу йил ҳам сумалак осмоқчиман. Қўшни маҳаллалардан дугоналаримни чақираман. Кўнгилларингизга оғир ботмасин тағин. Улар қари, кўнгиллари ҳам нозик бўлиб қолган. Борди-ю сумалак кунлари ёғин-сочинли бўлиб қолса, юришлари қийин бўлади. Шунинг учун мана бир ойлик нафақа пулим, шу пулга 15-20 тоннагача тошли қум берар экан. Сизлар ҳам бир мошиндан қумли тош олиб, уй-уйларингнинг тўғрисига тўксаларинг, кўчамиз текис ва равон бўлади. Қадимда ҳам кўчани текислаб юрганлар кам бўлмаган».

Бибинор момонинг ташаббуси барчага маъқул тушди. Қўшнилар бир бўлишиб, ўша кун кечқурун момонинг уйи тўғрисига бир машинада тошли қум келтириб тўкишди. Эртаси куни 500 метрли кўчага қум тўшалиб, текисланди. Ёшу қари момонинг ташаббусига қўшилди.

Бибинор момо ваъдасида турди. Дугоналарини чорлаб, катта дошқозонга сумалак осди. Момонинг дўстлари равон йўлдан осонгина юриб келиб, кўчанинг равонлигини мақташди. Кўпни кўрган Бибинор момо «қўшниларнинг ҳиммати-да», деб уларни мақтади.

(Давоми 6-саҳифада).

Янгиликлар оқимидан

СИРДАРЁ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг республикамиз аҳолисига Мурожаати Сардоба туманидаги «Зокир Дилшод ҳамкорлиги» кўп тармоқли хусусий корхонаси ишчилари ғайрат-шижоатини ошириб юборди.

Кўчат экиб, боғ ярат!

— Корхонамизда 6 гектар майдонда 20 дан ортиқ кўчат навлари экилиб парваришланмоқда, — дейди корхона раҳбари Дилшод Холбоев. — Жорий йилда 1.5 млн. тупдан ортиқ мевали ва манзарали кўчатлар республика аҳолиси ва корхона, ташкилотларга етказиб берилиши режалаштирилган. Мурожаатга жавобан мавжуд боғ майдонини кенгайтиришни мўлжаллаяпмиз.

Ходимлардаги иштиёқ бежизга эмас. Сабаби, корхонада бошланғич касаба уюшмаси ташкил этилиб, айни пайтда 2014-2015 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасини тузиш бўйича музокаралар олиб бориляпти.

Тумандаги «Қўрғонтепа мол бозори» МЧЖ касаба уюшма аъзолари ҳам Мурожаатга жавобан 2 тупдан мевали ва 2 тупдан манзарали кўчат экиб, бозор атрофини ободонлаштиришга, Наврўз байрамини муносиб кутиб олишга аҳд қилишди.

О.МАМАДАЛИЕВА

НАВОИЙ

Зарафшон шаҳрида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожига алоҳида эътибор берилаётир.

Қизилқумдан хушхабар

Шаҳардаги «Нурли Диёр» МЧЖ қошида паррандачилик фабрикаси ташкил этилди. Айни дамда корхонадаги 4 та цехда 12 000 та парранда парваришланаётир. Уларнинг 300 таси парҳезбоп гўшт учун мўлжалланган бройлер жўжалари бўлса, қолган 9000 та товуқдан кунига 6-7 минг донагача тухум олиняпти.

«Дина-Зарафшон» МЧЖ ҳам кўп тармоқли хўжалик юритувчи субъект сифатида танилаётир. 2012 йилда мазкур жамиятга захирада сув сақлаш ҳавзаси, хизматчи хоналар, маиший хизмат кўрсатиш нуқтаси ажратиб берилганди. Жамият раиси А.Зайниддинов жонкуярлиги туфайли «Микрокредитбанк»нинг шаҳар филиалидан олинган 40 млн. сўм кредит эвазига шу ҳудудда балиқ етиштириш учун сув ҳавзаси қурилди. Ички бозорда дастлабки маҳсулотлар сотила бошланди. Шу тарзда яна ўнлаб ёшлар доимий иш жойига эга бўлмоқда.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Ўқув-семинар

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси томонидан «Жиззах» фахрийлар санаторийси бошланғич касаба уюшма ташкилоти базасида ташкил этилган ўқув-семинарда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси масъул ходимлари, тармоқ касаба уюшмаси шаҳар ва туманлар кенгаши раислари, бошланғич ташкилотлар етакчилари ҳамда санаторий ишчилари иштирок этишди.

Қизиқарли, мазмунли

Тадбир иштирокчилари аввал санаторийда ходимлар ҳамда даволанувчиларга яратилган шарт-шароит билан яқиндан танишди. Бошланғич касаба уюшма қўмитаси фаолияти кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Ўқув-семинарни тармоқ касаба уюшмаси МКнинг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси Алишер Каримов очар экан, мазкур жамоа касаба уюшмаси «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг вилоят босқичида фахрли ўринга сазовор бўлганини таъкидлади.

Санаторий ходимлари учун зарур меҳнат шароити яратиб бериш, самарали даволаш ишларини амалга ошириш борасида жамоа шартномаси бандларининг бажарилиши юзасидан бош врач Зокир Ишмуродов, бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Маматқул Жуманов ҳисобот берди.

Таъкидланганидек, ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 4 млн. 234 минг сўмдан зиёдни ташкил этган. Саккиз нафар ходимга янги иш ўрни яратилди. Ойлик маош миқдори муттасил ортиб бораётир. Кам таъминланган, кўп болали, эҳтиёжманд ходимларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хонаси ташкил этилиб, кўргазмали қуроллар билан жиҳозланди. Ходимнинг иш стажидан қатъи назар йилига бир марта меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитилиши йўлга қўйилган. Ўрта тиббий ва кичик тиббиёт ходимлари учун кийим алмаштириш, овқатланиш хоналари ташкил этилди.

Жамоа шартномасида белгиланган шартлар асосида юқори ва паст кучланишли асбоб-ускуналар билан муолажа ўтказувчи ходимлар, ошхона ва лаборатория ходимлари меҳнат шароитлари бўйича шаҳодатланди. Куз-қиш мавсумида даволаш ва дам олувчилар хоналарининг бир меъёрда иситилиши эътиборда бўлди. Ҳозирда табиий газ ва кўмирга мослаштирилган иккита қозонхона ишлаб турибди.

Семинарда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудири И.Юнусов, юридик бўлими бош мутахассиси Ш.Худоёров жамоа шартномалари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, улар ижросига доир мавзуларда сўзга чиқдилар.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Бошланғичда нима гап?

Орамизда шундай одамлар борки, уларнинг ишини, ҳаётини кўриб ҳавасингиз ортади. Зеро, ҳар қандай шахс учун меҳнат қилаётган жамоасида, яшаётган маҳалласида обрў ва эътибор қозонишдан зиёд мукофот бўлмаса керак. Пойтахтимиздаги «SUVMASH» очиқ акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Бизак Содиқов ана шундай кишилар сирасидан.

Ходимнинг холис адвокати

Инсон умри ҳалол меҳнати, соғлом яшаш тарзи билан мазмунли. Бизак аканинг иш фаолияти, шахсий ҳаёти билан яқиндан танишар эканмиз, бу фикрга яна бир бор амин бўлдик.

1988 йилда олий таълим муассасасини тугатиб, меҳнат фаолиятини «SUVMASH» ОАЖда бошлаган Б.Содиқов вазифасига масъулият билан ёндашиши, интизоми, қолаверса жамоат ишларида ташаббускорлиги билан жамоа ҳурматига сазовор бўлди. Шу боис кўпчиликнинг таклифи билан 1992 йилда касаба уюшма ташкилоти етакчилигига сайланди. Аъзолар билан муносабатдаги самимийлик, холислик сифатлари одамларнинг унга бўлган ҳурмат ва ишончини янада мустаҳкамлади. Тегишли муаммоларга эътибор кучайди. Ходимларнинг оғзаки ёки ёзма аризалари қисқа фурсатда ижобий ечим топа бошлади. Бир сўз билан айтганда, раис 327 ходим меҳнат қиладиган катта корхонада ходимларнинг холис адвокатига айланди.

(Давоми 2-саҳифада).

Биз эккан ниҳоллар

Бугун Андижоннинг сўлим Хонобод шаҳрида истиқомат қилаётган 22 ёшли оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони Руслан Нуриддиновнинг номи нафақат республикамиз спорт мухлислари, балки жаҳон спорт мутахассислари эътиборига тушган. Руслан 2013 йилда Полшанинг Вроцлав шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ўзбек оғир атлетикаси тарихида илк марта жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Биз чемпион билан учрашиб, унинг спортга кириб келиши, шоҳсупагача бўлган машаққатли йўл ва келгусидаги режалари билан қизиқдик. Суҳбат асноси шу нарсани сездикки, гарчи Руслан кўринишидан жиддий йигитга ўхшаса-да, унда водий йигитларига хос хушчақчақлик ва юморга мойиллик кучли экан.

«Мақсадим — Олимпиада олтин медали»

— дейди оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони Руслан Нуриддинов

Болалик орзулари...

Инсон туғилиб ўсган муҳит унинг ҳаётида муҳим рол ўйнашини ўз ҳаётий тажрибаларимдан хулоса қиламан. Спортга кириб келишимда акаларим Эрик ва Ильдарнинг ўрни беқиёс. Чунки улар спортнинг оғир атлетика тури билан шуғулланар, мен улар ортидан эргашиб спорт залига борар эдим. Гоҳида кучим етмаса-да баҳайбат штанга тошларини қимирлатиб кўришга ҳаракат қилардим. Кўзим болаликдан шу манзарага кўникиб ўсди. Акаларимга ҳавас қилиб оғир атлетика билан шуғулланишни ва чемпион бўлишни кўнглимга тугдим.

6-синфдан бошлаб мураббий Марат Гафаров қўл остида машғулотларга қатнаша бошладим. Ўз ишининг устаси бўлган мутахассис иқтидоримни пайқади шекилли, орадан бир йил ўтмасдан мени Тошкентдаги Олимпия захиралари коллежи мутахассисларига тавсия этди. Шу-шу мен тажрибали мутахассислар ва бўлажак чемпионлар қуршовида оғир атлетика сирларини ўргана бошладим.

Отам Шомил Нуриддинов узоқ манзилларга қатновчи ҳайдовчи бўлиб ишласа-да, спорт жону дили эди. У, негадир, оғир атлетикани футбол, бокс, кикбоксинг сингари спорт турларида бўладиган жароҳатлардан ҳоли деб ўйларди. Аммо оғир атлетикада ҳам шикастланишлар тез-тез бўлиб туради. Кези келганда шуни таъкидлашни истардимки, онам тиббиёт ҳамшираси бўлиб ишлагани боис, бизнинг соғлом ва кучли фарзанд бўлиб ўсишимиз унинг учун ўта муҳим эди.

Шоҳсупага йўл...

Халқаро спортда дастлабки натижага 2009 йилда Бирлашган Араб Амирликларида бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида эришганман. Ўшанда ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони унвонини қўлга киритган эдим. Шундан сўнг машғулотларга жиддий эътибор билан ёндашдим. 2011 йил катталар ўртасида Парижда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида муваффақиятли қатнашиб, кумуш медалга сазовор бўлдим.

2013 йил ҳаётимда унутилмас из қолдирди. Муваффақиятларим Астанадаги Осиё чемпионатида бошланиб, кейинчалик Қозонда ўтган Бутунжаҳон ёшлар ёзги универсиадасида зафар қучдим. Бу ютуқлар менга илҳом бахш этди ва Польшада ўтган жаҳон чемпионатида ғолиб чиқишимда муҳим ўрин тутди.

Ушбу мусобақада жаҳон рекордини янгилаш ниятим ҳам бор эди. Аммо мураббийларим ҳозирча ўзимни хавфга қўймасликни маслаҳат беришди. Аслида, жаҳон рекордини янгилаш учун менга 4 килограмм етмай турарди. Жаҳон рекорди россиялик Давид Бежанянга тегишли. Унинг натижалари силтаб кўтаришда 238 кг. ва шаҳд кўтаришда 200 кг. бўлиб, жами 438 кг.ни ташкил этади. Мен машғулотлар пайтида бу натижани кўп бор қайд этганман. Лекин боя айтганимдек, устозлар бу тошни ҳозирча штангага ўрнатишни маслаҳат беришмади. Чамаси, улар мени аяшди.

3-саҳифага қаранг

ЎзА суратлари

Орзулар уммони...

Албатта, умидлар сўнмайди. Бу йил Астанада бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида рекордни янгилаш ва мухлисларимизни шод этишга бор кучим билан ҳаракат қиламан. Жаҳон чемпионатидан ташқари, жорий йилда Жанубий Кореяда XVII Осиё ўйинлари ҳам бўлиб ўтади. Шу мусобақаларда зафар қучишни ва 2015 йилда АҚШнинг Хюстон шаҳрида бўлиб ўтадиган мусобақаларда Олимпиада йўлланмасини қўлга киритишни ният қилганман.

Олимпиада ўйинларида зафар қучиш ҳар қандай спортчининг буюк орзуси. Ўйлайманки, Бразилиянинг Рио-де Жанейро шаҳрида орзуим ушалади.

Абдулҳай ЮНУСОВ
тайёрлади

Ishonch
2014-yil 15-mart № 33-34 (3383)

Президентимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, айниқса, енгил саноат соҳасининг жадал ривожланишида муҳим омил бўлаётир.

ИМКОНИЯТ ВА ИЗЛАНИШЛАР УЙҒУНЛИГИ

Наманган вилоятининг Чуст туманида фаолият кўрсатаётган «Chust textile» масъулияти чекланган жамияти йилига икки ярим миллион дона трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга.

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада 400 нафардан зиёд киши доимий иш билан таъминланган. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежини битирган ёшлардир.

— 2013 йилда 1 миллион 381 минг донадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди, — дейди корхона раҳбари Камолиддин Мамажонов. — Маҳсулотларимизнинг асосий қисми экспортга йўналтирилаётир. Хусусан, ўтган йили 5 миллион 100 минг АҚШ доллари миқдоридан зиёд маҳсулотни шартнома асосида хорижга сотдик.

А.САТТОРОВ,
ЎзА мухбири.

Суратларда: *«Chust textile» масъулияти чекланган жамиятида.*

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар

Ходимнинг холис адвокати

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Меҳр-оқибат, иноқлик бўлган жойдагина ишда унум, ғазнада барака бўлади. 1971 йилда ташкил топган ва 2001 йилда ОАЖга айлантирилган ташкилотнинг иш кўрсаткичлари ҳам юқори. Бу ерда қишлоқ хўжалиги ва саноат учун зарур бўлган насос ва насос агрегатлари, эҳтиёт қисмлари, бошқарув шкафи, қувурлар, металл қурилмалари ишлаб чиқарилади ҳамда таъмирланади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатли эканлиги, харидоргирлиги сабабли Марказий Осиё давлатларида ҳам талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Яна бир аҳамиятли жиҳати, ОАЖ маҳсулотлари 1999 йил Швейцариянинг Женева шаҳрида ўтказилган XXIV халқаро конвенцияда «Олтин юлдуз», 2001 йил Франциянинг Париж шаҳрида ўтган XVIII халқаро конвенцияда «Платина юлдузи» каби сифат белгилари билан тақдирланган.

Жамиятдаги молиявий барқарорлик ходимларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш учун кенг имконият яратиб бермоқда. Иш берувчи ва вакиллик органи ўртасида 2011-2013 йилларга тузилган жамоа шартномасида ишчиларнинг соғлиги, моддий ва маънавий манфаатлари, меҳнат муҳафазаси каби барча ҳуқуқлари тўлиқ қамраб олинишига эришилган.

Меҳнаткашларга муносиб иш шароити яратиш масаласига жиддий эътибор қаратилган. Корхона ҳудудида қиш фаслида биноларни иситишга мўлжалланган кичик қозонхоналар ўрнатилган. Шунингдек, ОАЖга қарашли барча иншоот таъмирланиб, хоналар ёруғ ва шинам ҳолатга келтирилган. Тартиб асосида иш ўринлари аттестациядан ўтказилган. Ноқулай иш шароитида ишлайдиган 56 нафар ходимга корхона ҳисобидан тариф стафкасининг 8, 12 фоизи миқдорида компенсация тўлаб борилади. Бундан ташқари, ходимлар махсус иш қуроллари, техник воситалар, кийим-кечаклар билан таъминланган.

Йилда бир марта ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш анъанага айланган бўлиб, кўрик натижасига кўра, соғлигини тиклаш учун айрим ходимларга моддий ёрдам ажратилиб, даволаниш имконияти яратилади. Шу билан бирга, ўтган йилда 30 нафар ходимга дам олиш уйларига йўлланмалар берилгани ҳам савобли ишлардан бўлди.

— Жамоамизда 102 нафар аёл меҳнат қилади. Улар меҳнатини енгиллаштириш бўйича шартномага махсус бандлар киритилиб, улар бажарадиган ишлар тегишли талаблар асосида текширувдан ўтказилган, — дейди ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Бизак Содиқов. — Фарзанди биринчи бор мактабга бораётган аёлга бир кунлик иш ҳақи сақланган таътил бериш, узоқ сафарга юбормаслик, оғир ишга жалб қилмаслик, аризасига кўра қисқартирилган иш кунлари жорий қилиш каби имтиёзлар мавжуд.

Дарвоқе, Бизак акани нафақат ўзи яшаётган «Зилола» маҳалласи, балки Бектемир туман аҳли ҳам яхши танийди ва ҳурмат билан тилга олади. Боқувчисини йўқотган, ёлғиз, ногирон, кам таъминланган шахсларга моддий ёрдам кўрсатишдек хайрли ишларда у доимо бош-қош.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Жамоа шартномаси — амалда

Жамоа шартномаларида белгиланган меъёрларнинг бажарилиши ходим ва унинг оила аъзоларига яратилган афзалликларнинг амалдаги ифодасидир. «Янгиқўрғон пахта тозалаш» ОАЖда жамоа шартномаси ижросига бағишланган йиғилишда бу масала алоҳида қайд этиб ўтилди.



Шериклик хосияти

Йиғилиш асноси ходимларда муҳокама этилган масалаларга дахлдорлик ҳисси уфуриб турди. Корхона раҳбари Сирож Яриев жамоа шартномаси иш берувчи ва ходимлар ўртасида меҳнат фаолияти билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояни таъминловчи муҳим ҳужжат эканини эътироф этди. Таҳлилда шартноманинг ҳар бир бандига ишчи-ходимлар манфаати асос қилиб олингани маълум бўлди. Шу боис унда қайд этилган талабларга амал қилиш, белгиланган мажбурият ва вазифаларни бажаришда муаммолар юзага келмади.

Ҳисобот даврида ходимлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларига етарлича маблағ ажратилди. Меҳнат муҳофазаси тадбирлари ўз фурсатида амалга оширилгани боис ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолат қайд этилмади. Корхонада меҳнат қилаётган 471 нафар кишининг унумли ишлаши учун барча шароит яратилди. Ўтган фурсатда пахта тозалаш заводи тўлиқ модернизация қилиниб, эски дастгоҳлар ўрнини замонавийлари эгаллади. Бу эса нафақат ишлаб чиқариш суръати ошишига, балки хавфсиз иш ўринлари яратилишига ҳам кафолат бўлди. Ходимлар саломатлигини кўрикдан ўтказиш ишлари бевосита корхона ҳудудидаги тиббиёт муассасасида ташкил этилиб, иш берувчи томонидан молиялаштирилди. Бошланғич касаба уюшма ташкилоти эса дори-дармонлар учун пул ажратиб берди.

Тасарруфдаги маблағдан оқилона фойдаланиш, иқтисодий салоҳиятни ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш борасида ҳам изланишлар олиб борилаётир. Ҳисобот даврида завод қошида ипак қурти боқиш корхонаси ишга туширилиб, 71 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, ходимлар фарзандлари саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишига имконият яратилмоқда. Меҳнаткашларнинг 72 нафар фарзанди турли оромгоҳларда бепул дам олдирилди.

Бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Гуландом Носировнинг эътироф этишича, жамоада туризмни ривожлантириш, ходимларни сихатгоҳларда дам олдириш, мамлакатимиз бўйлаб саёҳатлар ташкил этиш мақсадида касаба уюшмалари томонидан ҳар бир ходимга 368 минг сўм миқдорида маблағ ажратилган. Ходимлар ва улар оила аъзоларидан уч нафари Абу Али ибн Сино номли сиҳатгоҳда, 5 нафари эса корхона томонидан «Арчазор» санаторийсида дам олдирилди. Кам таъминланган ходимларнинг турли олийгоҳларда ўқиётган 7 нафар фарзандининг контракт пуллари тўлаб берилаётир.

Ишлаб чиқариш жараёнида бахтсиз ҳодисага учраган, касалланган ходимларга тавон пуллари, қўшимча ёрдамлар бериб келинмоқда. Ҳар бир ходим ишчи коржомалари ва бепул иссиқ овқат билан таъминланаётир. Қарамоғида уч ёшгача фарзанди бор аёлларга маоши сақланган ҳолда қисқартирилган иш соатлари жорий этилган.

— Корхонамизда унумли ишлаш, мазмунли ҳордиқ чиқариш учун барча имконият бор, — дейди Маҳфуза Ғайбуллаева. — Байрам ва тантаналарда маъмурият ва касаба уюшмаси томонидан моддий рағбатлантириш жорий этилган. Янги қабул қилинган жамоа шартномасига бир қатор қўшимча бандларнинг киритилиши, айниқса, аёлларга қатор қўшимча имтиёзлар белгилаб қўйилгани бизга манзур бўлди.

— Ходим оиласи учун қайғурадиган жамоада ютуқлар кўпаяди, — дейди Дилрабо Ражабова. — Ҳар биримиз учун шароит яратиб беришга бутун имкониятини сафарбар этаётган жамоат ташкилотидан миннатдормиз.

Йиғилишда Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Фарҳод Хидиров ва ЎзКУФК вакили Эркин Юсупов касаба уюшмлари томонидан олиб борилаётган тизимли ишлар, устувор мақсадларни кўзлаб амалга оширилаётган тадбирлар, жамоа шартномаларига киритилиши лозим бўлган қўшимчалар хусусида ўз мулоҳазаларини билдиришди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Нодавлат секторда

Жамоамизда 140 нафар ходим меҳнат қилади. Асосан болалар бўтқаси, газли ва газсиз ичимлик сувлари ҳамда сариёғ маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Ўтган йилдан бошлаб янги «Nesquik», яъни какаоли сут маҳсулоти ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Иш дегани бундоқ бўлибди

Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш юзасидан назорат олиб бориш корхонанинг меҳнат муҳофазаси менежери зиммасига юклатилган бўлиб, бунинг учун алоҳида хона ташкил этилган. Зарур жиҳозлар, ўқув ва кўргазмали қуроллар, тарғибот-ташвиқот воситалари мавжуд. Заводимизнинг барча бўлимларида меҳнат муҳофазаси бўйича вакил фаолияти йўлга қўйилган.

Жамоа шартномасига қонунларда белгилангандан ташқари қўшимча имтиёз ва енгилликлар киритилган бўлиб, ходимларни янада кучли ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, уларга қулай меҳнат шароити яратишга оид хавфсизлик техникаси талабларининг бажарилиши диққат марказимизда. Ходимлар махсус кийим, пойабзал ва зарур шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган. Ошхонада уч маҳал иссиқ овқат тайёрланади. Ишчиларнинг ишга келиб-кетиши учун шаҳар бўйича 2 та автобус ва «Дамас» автомашиналари қатнови йўлга қўйилган.

Белгиланган муддатда ходимлар тиббий кўрикдан ўтказиб турилади. Тиббий текширувлар, соғликларини тиклаш, дори-дармон воситалари учун корхона ҳисобидан талаб доирасида маблағ ажратилади. Ҳар бир иш ўрни меҳнат шароити, меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрларига мувофиқ бўлишини таъминлаш мақсадида НОУ «ЭКОБИО-ТЕСТ» лабораторияси томонидан ўрганилиб, берилган хулосага асосан ходимлар имтиёзли шартларда пенсияга, йиллик қўшимча таътилга чиқиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, бепул сут билан таъминланадиган ходимлар рўйхати тузилган.

Жамоа шартномасида белгиланган тадбирлар вақтида амалга оширилиши учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳар бир ходимга ўртача 3 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Ушбу саъй-ҳаракатлар эътироф этилиб, корхонамиз меҳнат муҳофазаси бўйича OHSAS 18001 халқаро сертификати ҳамда Экология бўйича ISO 14001 сертификатларини олишга муваффақ бўлди. Шу билан бирга, корхонамиз «Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона» кўрик-танловида қатнашиб, вилоятда 1-ўринга, республика босқичида 2-ўринга муносиб кўрилди.

Боситхон ҲОЛИДОВ,
«Нестле-Ўзбекистон» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси

Ўзаро мулоқот яхшиланади

Илғор замонавий ускуналар билан жиҳозланган корхоналар ташкил этилиши натижасида Сирдарё вилояти маҳсулотларни қайта ишлаб чиқарувчи ҳудудлардан бирига айланиб бормоқда. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан янги барпо этилган корхона ва ташкилотларда ишлайдиган меҳнаткашларни аъзоликка жалб этиш ишларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, «Гулистон сокс бизнес» МЧЖ қўшма корхонасида ўтган ойда вакиллик органи ташкил этилди. Бу ерда асосан пайпоқ ишлаб чиқарилади. Корхона қисқа вақтда юқори сифатли маҳсулотлари билан ички бозорда ўз ўрнини топди. Тез орада экспортни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Корхона «Ташаббус — 2014» кўрик-танловининг шаҳар босқичида I- ўринни эгаллаб, вилоят босқичида иштирок этиш имконини қўлга киритганлиги ҳам унинг салоҳиятини кўрсатиб турибди.

Корхонада 26 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Уларнинг кўпчилиги коллежни тамомлаган ёшлар. Қўшма корхонанинг касаба уюшма қўмитаси раиси Ш. Холқўзиев шу кунларда ишлаб чиқилган жамоа шартномасини ходимлар муҳокамасидан ва бошқа тегишли тасдиқлардан ўтказиш ишлари билан банд.

— Жамоада касаба уюшма ташкилоти тузилиши иш берувчи ва ходим ўртасидаги ўзаро мулоқотни яхшилайди, — дейди корхона раҳбари А. Тошматов. — Бу эса, ҳам иш унумдорлигига, ҳам меҳнаткашлар манфаатини ҳимоялашга хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз

«Чимбойдон» МЧЖ ҳар йили яқин атрофдаги туманларда етиштирилган 20 минг тонна ғаллани омборларда сақлаб, кейин қайта ишловчи корхоналарга жўнатар эди. Жорий йил 11 мартдан бошлаб бу ерда янги ун цехи ишга туширилди. Бир кеча-кундузда 50 тонна буғдойни қайта ишлаш қувватига эга, умумий нархи 1 млрд. 760 млн. сўмлик замонавий дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилди.

«Чимбойдон» тамғаси билан

Цехда асосан касб-ҳунар коллежини тугатган маҳаллий ёшлар ишлайди. Куни кеча 10 нафар ёш ходимга янги меҳнат дафтарчалари очилди.

— Жамоада 127 нафар касаба уюшма аъзоси бор эди. Янги цех шарофати билан улар яна ўн саккизтага кўпайди, — дейди бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчиси Сайлаубай Ҳолиқназаров. — Цехимиз тўла қувват билан ишга тушгач, яна 30 та янги иш ўрни ташкил этилади.

Эндиликда «Чимбойдон» тамғаси босилган сифатли ун маҳсулотлари Қорақалпоғистоннинг шимолий туманлари аҳолисини хушнуд этадиган бўлди. Корхонада кунига 37 тонна ун ишлаб чиқарилиши билан бирга, 13 тонна кепак туман чорва моллари учун омухта ем сифатида етказиб берилмоқда.

Янги цех очилишида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М.Ерниязов иштирок этди.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшма ҳаёти

Минтақавий темир йўл узели тасарруфидаги турдош корхоналар ичида Бухоро вагон депосининг ўзига хос ўрни бор. Депо жамоаси асосан вагонларни таъмирлаш билан шуғулланади. Бу борада белгиланган режа мунтазам ортиғи билан бажариб келинмоқда. Юксалиш жараёнида маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси томонидан жамоа шартномасида белгиланган талабларнинг вақтида ва тўла бажарилишига эришиш муҳим аҳамият касб этяпти.

Янгиланиш жараёни

Ходимларга яратилган қулай меҳнат шароити, уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, кадрлар малакасини ошириш, ёшларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатишга эътиборнинг кучайтирилиши муваффақиятлар омили бўлаётир.

— Кейинги йилларда фаолиятимизда янгиланиш жараёни кузатилмоқда, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Маҳмуд Чўллиев. — Бу 800 га яқин ходимимизга кўрсатилаётган ғамхўрлик доирасининг кенгайиши, касаба уюшма қўмитаси нуфузининг ошиши ва зиммамиздаги масъулиятни чуқур англаган ҳолда ишлашни тақозо этаётгани билан бевосита боғлиқ. Бошқача айтганда, кечаги гап бугунга тўғри келмайди. Эртага эса янада фаолроқ ҳаракат зарурлигини ҳис этиб турибмиз.

Касабақўм раисининг фикри асоссиз эмас. Ўтган йили амалга оширилган ишлар салмоғи аввалги йилларга нисбатан ошган. Жумладан, ходимларнинг талаб ва истакларига кўра саломатлигини тиклаб, дам олиш учун санаторий ва пансионатларга 24 та йўлланма берилди. Кажаваларни таъмирлаш цехи чилангари С.Тошев, унинг касбдоши М.Муродов ва вагон қурувчиси Й.Айдаровлар корхонада 15 йилдан ортиқ самарали ишлагани, касб сирларини ёшларга қунт билан ўргатгани, касаба уюшмаси тадбирларидаги фаоллиги учун бепул йўлланмаларга эга бўлишди. Улардан бири республикамиздаги сиҳатгоҳда соғлигини тиклаган бўлса, икки нафари эса Россия Федерациясининг Кисловодск шаҳридаги санаторийда ҳордиқ чиқарди. Шунингдек, депонинг Тинчлик узелига қарашли Бузаубой, Майлисай, Қурали, Зарафшон ва Учқудуқ бекатларида ишловчи 11 нафар ходим бепул йўлланмалар билан таъминланди.



Республикамизнинг тарихий шаҳарлари, зиёратгоҳларига саёҳатлар ташкил этишга ҳам жиддий эътибор қаратилаяпти. Шу билан бирга, ходимлар ўртасида йил давомида шахмат-шашка, стол тенниси, дартс, тош кўтариш, волейбол, мини футбол мусобақалари ўтказиб турилади. Касаба уюшма қўмитаси хонасидан ўрин олган қатор кубок, медал ва вимпеллар жамоа аъзоларининг тармоқ, вилоят ва республика спорт мусобақаларида фаол қатнашганининг ёрқин ифодасидир.

Аҳамиятли томони, бу ерда ҳар йили уч томонлама шартнома асосида амалиёт ўтаётган коллеж битирувчилари доимий иш ўрнига эга бўлишмоқда. Масалан, бултур «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК тасарруфидаги Тошкент ва Самарқанд темир йўл касб-ҳунар коллежларини битириб келган 36 нафар ёш мутахассис жамоа аъзосига айланди. Бундан икки йил илгари Самарқанд темир йўл касб-ҳунар коллежини тугатиб келган Фарангиз Остонова ва Ситора Қўшшаева тажрибали темирйўлчи Мўсина Остонова бошқараётган кажаваларни таъмирлаш цехига ишга жойлашдилар. Уларга Али Норов ва Ҳанифа Муктумова касб сирларини қунт билан ўргатиб, ҳар жиҳатдан қўллаб-қуватлашди. Бугунги кунда Фарангиз цехда бригадир, Ситора эса кранчи вазифасида ишлаб, устозлари ва жамоа ишончини оқлаяпти. Яна шуниси диққатга сазоворки, жамоа шартномаси асосида ёшларга устозлик қилган ходимларга 3 ой давомида ойлик маошига йигирма фоиз қўшимча ҳақ тўлаш жорий этилган.

Касаба уюшмаси фаолиятида меҳнат муҳофазаси ҳамда техника хавфсизлиги талабларига тўла риоя қилиниши алоҳида ўрин тутади. Муҳими, ушбу жиҳатларга эътиборнинг оширилиши натижасида кейинги йилларда бу ерда бахтсиз ҳодиса ва шикастланишларга йўл қўйилмади. Иш жойида ходимларнинг махсус кийимбош, шахсий ҳимоя воситалари билан таминланиши, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича тарғибот-ташвиқот ишларининг олиб борилиши ютуқлар гарови бўлиб хизмат қилаяпти.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Соғлом авлод — улуғ мақсадларимиз асоси

ЎзА сурати

2013 йил Ўзбекистон оғир атлетикачилари учун омадли келди. Терма жамоамиз аъзолари қатор халқаро турнирлар, Осиё ва жаҳон чемпионати баҳсларида ғалабаларга эришди, спортчиларимиз томонидан қитъа ва дунё рекордлари янгиланди. Хусусан, терма жамоамиз аъзоси Руслан Нуриддинов Полшада ўтган жаҳон чемпионатида олтин медалга сазовор бўлди. Шу муваффарлик ортида мамлакатимиз оғир атлетикаси тарихида биринчи жаҳон чемпиони қайд этилди. Бундан ташқари, яна бир ҳамюртимиз Улуғбек Алимов мазкур чемпионатда бронза медали соҳиби бўлди. Ўзбекистон терма жамоасининг умумжамоа ҳисобида тўртинчи ўриндан жой олиши эса юртимизда оғир атлетика — спорт тури жадаллик билан тараққий этаётганидан далолатдир.

Яна шуни алоҳида қайд этиш лозимки, оғир атлетика бўйича аёллар терма жамоамизнинг натижалари ҳам яхшиланиб боряпти. Биз бугун Ўзбекистон терма жамоасининг умидли ва иқтидорли спортчиларидан бири Бибиойша Бўриева ҳақида сўз юритамиз.

Юртим, сенинг чемпионларинг!

Бибиойша 1995 йилда Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида туғилган. Опаси Зилоланинг оғир атлетикадаги муваффақияти қизалоқнинг қалбида спортга қизиқиш уйғотди. Бу ҳақда у шундай дейди:

— Опам Ўзбекистон чемпионатида зафар қучиб, мамлакат терма жамоасига жалб қилинди. 2009 йил Тошкентда ўтган қитъа чемпионатида ғалабага эришганида унга ҳавас қилиб, «Мен ҳам спортчи бўламан», дея дилимга тугдим. Дадам Тоҳир Пармонов мураббий, опам спортчи. Уларнинг меҳнати эвазига оғир атлетика сирларини ўрганиб, турли мусобақаларда иштирок эта бошладим. 2010 йили Ўзбекистон чемпионатида омадимни синаб кўрдим, 2011 йили Тошкент шаҳри мезбонлик қилган Осиё кубогида менга 58 кг. вазн тоифасида кумуш медал насиб этди. 2012 йил 69 кг. вазнлилар орасида мамлакат чемпиони бўлиш бахтига мушарраф бўлдим.

2013 йил ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида бронза медал насиб этди. Хитой, Эрон, Жанубий Корея, Япония нафақат қитъада, балки жаҳон миқёсида оғир атлетика яхши ривожланган мамлакатлар ҳисобланади. Шу боис, Осиё ўйинлари ва қитъа чемпионатларида қўлга киритилаётган ҳар бир муваффақият биз, спортчилар учун ғоятда қадрли...

— Бибиойша ўз устида тинимсиз ишлаши, тиришқоқлиги билан бошқалардан ажралиб туради, — дея суҳбатга қўшилди Қарши Олимпия захиралари коллежи оғир атлетика бўлими мураббийи Умид Узоқов. — У коллежимизнинг учинчи босқич ўқувчиси. Бир ишни мақсад қилдими, унга эришмагунча тинчимайди. Зилола ва Бибиойшанинг оғир атлетика бўйича эришаётган ғалабалари вилоятда қизлар ўртасида ҳам ушбу спорт турига бўлган қизиқишнинг ошишига сабаб бўляпти. Чунки, 2011 йили бўлимда бор-йўғи икки нафар қиз ўқиган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони ўн нафарга етди.

Шу йилнинг 31 январ-3 феврал кунлари Чирчиқ шаҳрида 1997 йил туғилган ва ундан кичик ёшлилар ўртасида ўтган республика биринчилигида Қашқадарё вилоят терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Бибиойшанинг издошлари Камила Абдуллаева, Зарнигор Абдураҳмонова, Зарифа Ҳазратова, Парвина Абдуҳамидова каби қизларимиз бу муваффақиятга катта улуш қўшишди. Шу ўринда коллежнинг оғир атлетика бўлими бош мураббийи Тоҳир Пармоновнинг 2013 йил якунларига кўра, «Йилнинг энг яхши спорт устози» деб топилгани ва «Эътироф — 2013» мукофоти билан тақдирланганини таъкидлаб ўтмоқчиман.

— Ҳозирда қандай мусобақаларга тайёргарлик кўряпсиз? — сўрайман чемпион қиздан.

— Март ойининг охирги ҳафтасида Чирчиқ шаҳрида навбатдаги мамлакат чемпионати ташкил этилади. Шу мусобақада натижаларимни яхшилаб, медаллар учун курашмоқчиман. Кузда Жанубий Кореянинг Инчхон шаҳрида XVII Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. 19-23 октябр кунлари эса Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида жаҳон чемпионати баҳслари ўтиши белгиланган. Айнан ушбу мусобақада 2016 йил Бразилияда бўладиган навбатдаги ёзги Олимпиадага очко жамғариш бошланади.

Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси мазкур мусобақаларга пухта ҳозирлик кўришимиз учун Болгариядан мутахассис жалб қилган. Айни пайтда эркаклар ва аёллар терма жамоалари хорижлик Иордан Иванов машғулотлар дастури асосида шуғулланишмоқда. Аёллар термасига масъул мураббийлар Баҳром Мендибоев ҳамда Ойбек Турғунов бизни юқоридаги нуфузли мусобақаларга ҳозирлашяпти. Ниятим, тинимсиз изланиб, улкан ғалабаларга эришиш ва Олимпия ўйинларида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилишдир.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Орзу-ҳаваларим мени 2004 йилда Бухородаги 5-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабига етаклади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози Римма Хохлованинг қўл остида тарбиялана бошладим. Ой сайин маҳоратим ошиб борди. Ҳозир 16 ёшдаман. Вилоят, мамлакат ва халқаро мусобақаларда қатнашиб ғолиблар сафидан ўрин олиб келаяпман. Маҳоратимни ошириш баробарида янада йирик беллашувларда қатнашишга тайёргарлик кўраяпман.

Юксалиш пиллапояларида

Мактабимизда бадиий гимнастика билан шуғулланиш учун барча шароит яратилган. Айни пайтда 240 нафар қиз 15 гуруҳда машғулотларда мунтазам қатнашмоқда. Мураббийларимизнинг барчаси юқори малакали. Улар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устозлари, олий тоифали спортчилар кўпчиликни ташкил этади.

Тарбияланувчилар ўтган давр мобайнида Осиё чемпионати, халқаро мусобақалар, Ўзбекистон биринчилиги, чемпионати ва кубоги ҳамда республика турнирларида қатнашиб, 113 та медални қўлга киритишди. Биргина 2013 йилда қатор нуфузли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, 133 та спорт разрядларига эгалик қилдилар. Улардан бири халқаро спорт усталигига эришган бўлса, 6 нафари спорт устаси, 18 нафари биринчи катталар разряди ҳамда 90 нафари ёшлар разрядларига эга бўлди.

Ўтган йил биз учун омадли бўлди. Мактабимиз тарбияланувчиси Замира Санақулова Президент фармони билан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвонига лойиқ топилди. 5-9 июн кунлари Тошкент шаҳрида бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпионатида вилоят терма жамоаси аъзоси Дарья Свечникова жамоавий машқларда 2 та бронза медалига сазовор бўлди. Замира Санақулова ва Дарья Свечникова Ўзбекистон чемпионатида биринчи ўринни эгаллаб, республика олий ўқув юртларининг жисмоний тарбия факультетларига имтиҳонсиз, имтиёзли равишда ўқишга қабул қилиндилар.

Икки йилдирки, мактабдошларим Замира Санақулова, Зарина Неъматова, Ферангиз Шодиева ҳамда Насиба Бақоева билан Ўзбекистон миллий терма жамоаси таркибида халқаро мусобақаларда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиб келаяпмиз. Бундан буён ҳам юксалиш пиллапояларида бор маҳоратимизни ишга солиб, янги сафарлар сари интилаверамиз.

Зарема САМАДОВА,
Бухородаги 5-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия спорт мактаби тарбияланувчиси, спорт устаси

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар асрларга татийди. Олис қишлоқларда ҳам замон талабига мос спорт мажмуалари барпо этилди. Уларда ёшлар қайсидир спорт тури билан берилиб шуғулланаётганига гувоҳ бўласиз.

Маҳорат синови

Номдор спортчиларни тарбиялаётган Самарқанд шаҳридаги 1-болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари мактабида 646 нафар ёш теннис, миллий кураш, юнон-рум, дзюдо, самбо, волейбол, енгил атлетика, эркин кураш турлари бўйича маҳоратларини оширмоқда. 26 нафар малакали мураббий устозлигида замонавий, барча шароитга эга, очиқ ва ёпиқ майдонларда машғулотлар ўтказилаётир.

Ёшлигимдан спортнинг теннис турига қизиқаман. Бир неча бор шаҳар ва вилоятимизда ўтказилган теннис мусобақаларида совринли ўринларни қўлга киритдим. Ўтган йили Наманган шаҳрида 1999-2000 йилларда туғилган ўғил болалар ва қизлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида шоҳсупанинг иккинчи поғонасини банд этдим.

Мақсадим — халқаро миқёсда юртимиз байроғини баланд кўтариш.

Милена АҲМЕДОВА,
Самарқанд шаҳридаги 1-болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари мактаби ўқувчиси

ЎзА сурати

Хотин-қизлар ўртасида спортни янада оммалаштириш мақсадида аёл мураббийлар фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш ва уларнинг сафини кенгайтиришга алоҳида эътибор бугун ўз самарасини бераётир. Бундай ғамхўрликдан Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган мураббий Жамила Боймуродова ҳам беҳад мамнун.

Баскетбол бўйича Қорақалпоғистон Республикаси қизлар терма жамоаси катта мураббийи Ж. Боймуродова 1993 йилдан буён ёш авлодга маҳорат сирларини ўргатиб келмоқда. Шу вақт давомида у 150 нафар спорт усталигига номзод ва 500 нафардан ортиқ 1-разрядли баскетболчи қизларни тарбиялади.

Суратда: Жамила Боймуродова шогирдлари билан машғулотда.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

Оилада ўғил туғилса, полвон бўлсин, дея ният қилишади. Ота-она унинг элга тиргак бўлишини, халқнинг, миллатнинг ор-номусини ҳимоя қилишини астойдил истайди. Отам Денов тумани Охунбобоев сув истеъмолчилари уюшмасида ишлайди. 1983 йили туғилганман. Туғруқхонадан чиқаётганимизда ҳамшира отамга «полвон ўғлингизни олинг», деган экан. Шу дақиқадан бошлаб, отам мени полвон бўлсин, деб ният қилган, тетапоя бўлиб юра бошлаган дамларимдан қўшниларнинг ўзим тенги ўғиллари билан курашга туширар экан. Борабора ўзимда ҳам курашга ҳавас ортди. Маҳалламиздаги 33-умумтаълим мактаби спорт устаси, ўқитувчимиз Абдулла Сирожиддинов қўл остида шуғуллана бошладим.

Бу элда давралар совумас

Сурхондарёда тўйлар курашсиз ўтмайди. 7-синфда ўқиётган кезларим эди. Деновдаги катта тўйларнинг бирида отам менга элдан дуо олиб берди. Ўшандан буён катта курашга шўнғиб кетдим. Биринчи бор чемпион бўлганим асло ёдимдан чиқмайди. 1995 йили кураш бўйича вилоят ўқувчи-ёшлар ўртасида бўлиб ўтган баҳсларда 1-ўринни қўлга киритиб фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совға олдим. 2004 йили миллий кураш бўйича республика биринчилигида ғолиб бўлдим.

Ўша йили Эроннинг Техрон шаҳрида ўтказилган Осиё биринчилигида қатнашиб, Осиё чемпиони бўлдим. 2005 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган 5-жаҳон биринчилигида фахрли 3-ўринни эгалладим. 2011 йилда эса Термиз шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида 73 кг. вазндаги полвонлар баҳсида иштирок этиб, жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлдим.

Сурхондарёлик устоз полвонларимиз, сафдошларим, шогирдларимга боқиб, уларни чиндан ҳам Алпомишнинг ворислари, дегим келади. Бугунги кунда юртимизнинг чекка-чекка овулларида ҳам кўплаб умидли полвонлар вояга етмоқда. Демоқчиманки, дунёни лол қолдираётган юртимизнинг кураш даврлари ҳеч қачон совумайди.

Шерали ТЎРАЕВ,
Осиё ва жаҳон чемпиони

Истиқлол билан тенгдош

Шашка кичик ёшдан ўйнаш мумкин бўлган, жуда ҳам қизиқарли ўйин. Чинакам меҳр қўйиб мунтазам шуғулланиш орқали юқори натижага эришиш мумкин. Сайёра Юлдашева ана шундай ёшлардан. Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида униб-ўлғайган. У аёллар ўртасида шашка бўйича биринчи халқаро гроссмейстер бўлди. Ушбу номга у ўтган йили Тошкент шаҳрида катталар ўртасида ташкил этилган Осиё чемпионатида олтин, Болгарияда ўтган жаҳон чемпионатида бронза медални қўлга киритгани учун лойиқ топилди.

Сайёра ўзи севган спорт тури билан 2002 йилдан бери шуғулланади. Биринчи мураббийи Алишер Артиқовнинг меҳнатини алоҳида эътироф этади. 2005 йилдан Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси. Ёшлар ўртасида беш карра, аёллар ўртасида уч карра Осиё чемпиони, саккиз карра Ўзбекистон чемпиони.

Сайёра Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини тугаллагач, устозлик йўлини танлади. Ҳозирда Сайхунобод болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббий.

Сайёра шогирдларига ҳам талабчан. Шу боис шогирдлари орасида Республика, Осиё, Жаҳон чемпионатлари иштирокчилари ва совриндорлари бор. Лайло Тошпўлатова Тошкентда уюштирилган Осиё чемпионатида 6 ёшгача бўлган қизлар ўртасида 1-ўринни, Шердор Раҳимжонов 10 ёшгача бўлган болалар ўртасида 2-ўринни, Ҳусниддин Жиянбоев Болгарияда ўтказилган Жаҳон чемпионатида 10 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида 3-ўринни эгаллашган.

Кўплаб ютуқлар совриндори, истиқлол билан тенгдош спортчимизга ҳамманинг ҳаваси келади. Сабаби у «Спорт устаси», «Халқаро тоифадаги спорт устаси» унвонига эга, «Ўзбекистон белгиси», «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсталик нишони билан мукофотланган.

Ишонамизки, чемпион, халқаро гроссмейстер қизимизнинг улкан ғалабалари ҳали олдинда.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Ishonch
2014-yil 15-mart № 33-34 (3383)

«СИТОРАИ МОҲИ ХОСА САНАТОРИЙСИ» МЧЖ маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

Мамлакатимиз аҳолисини, шу жумладан, соҳа ходимларини кириб келаётган яшариш ва гўзаллик айёми – ЧАВРЎЗИ ОЛАМ билан самимий муборакбод этади. Барчага мустаҳкам соғлик, бахт ва омад ёр бўлсин! Иқлими танга роҳат бағишловчи, инсон саломатлигини мустаҳкамлаш учун барча қулай шарт-шароит ва имкониятга эга санаторийлмизга марҳамат қилинг! Байрам муборак, азиз юртдошлар!

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ «ФАРҒОНА» ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ ДУК ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Объект номи:
«Фарғона вилояти, Фарғона туманидаги «Фарғона» аэропорти ёрдамчи хўжалиги ерларини суғориш учун қудуқ қурилиши».
Муддати — **1.06.2014 йил.**
Бошланғич нархи — **201 022 100 минг сўм ҚҚС билан, 167 518 420 минг сўм ҚҚС сиз.**

Манзил: Фарғона шаҳар, Аэропорт кўчаси, 16-уй. Тел.: (373) 226-54-61, 224-23-76, 226-23-31 (факс).

Қурилиш-таъмирлаш ишлари: Шахсий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% микдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:
Фарғона шаҳар, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй. Телефон/факс: (373) 244-55-32.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳар, Аэропорт кўчаси, 16-уй манзилида ўтказилади.*

Хизматлар лицензияланган.

Корхона ва кичик бизнес субъектлари раҳбарлари диққатига!

9-ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

1. Наманган вилояти Поп туманидаги хўжаликлараро «Қорақалпоқ» зовур тизимини таъмирлаш ва тиклаш. (68,43 км). Буюртмачини бошланғич қиймати ҚҚСсиз 402 858 878 сўм. Буюртмачи белгилаган ишларни тугатиш муддати 10, 8 ой.

Буюртмачи: Наманган шаҳри, Ибрат кўчаси, 33-уйда жойлашган 9-сонли Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси. Тел: (8369) 227-06-44, 227-19-98.

Лойиҳани молиялаштириш: Ўзбекистон Республикаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасидан ажратилган маблағ ҳисобидан амалга оширилади.

Диққат: *Танлов савдолари таъмирлаш ва тиклаш объектларида қатнашишга кичик бизнес субъектлари учун камида 35% квота белгиланган.*

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар шундай талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафиллигига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хориж қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади.

Қатнашчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер таклифлари қатнашчиларнинг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси **қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзилга Наманган шаҳар, Навоий кўча, 22-уй, Тел.факс (8-369) 227-94-30, 227-91-47 мурожаат қилиш мумкин.

Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи — 100 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этиш охирги муддати – оферталарни очилиш куни ва соати.

Таклифлар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин, қуйидаги манзилда очилади: Наманган ш. А. Навоий кўчаси, 22-уй.

Хизматлар лицензияланган.

■ Матбуот анжумани

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси томонидан «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Истеъмолчи – ҳимояда

Таъкидланганидек, Федерация 14 та ҳудудий бирлашма, 195 та туман (шаҳар) жамиятларидан иборат бўлиб, маҳаллалар, корхона, ташкилотлар ҳамда муассасаларда 7378 та таянч гуруҳлари ташкил этилган. Ҳозирда улар таркибидаги аъзолар 470 минг нафардан иборат.

Федерациянинг асосий мақсади «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфааларини ҳимоя қилиш, шунингдек, ички истеъмол бозорида сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини оширишдан иборат.

Жойларда савдо-сотиқ, коммунал, почта-алоқа хизматлари, жамоат транспорти ва бошқа хизмат турлари бўйича муаммолар ўрганилиб, маълумотлар ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳал қилинишига эришилди. Федерация ва унинг ҳудудий тузилмаларига аҳолидан савдо-сотиқ, газ таъминоти, ичимлик суви, электр энергияси, коммунал хизматлар, жамоат транспорти, почта, алоқа, соғлиқни сақлаш, халқ таълими соҳасидаги камчилик ва муаммолар бўйича ўтган йили истеъмолчилардан 8457 та ёзма ва оғзаки мурожаат тушди. Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мурожаатларнинг 95,9 фоизи ижобий ҳал қилиниб, 2 млрд. 208 млн. сўмдан ортиқ моддий ва маънавий зарар истеъмолчилар фойдасига ундириб берилди.

Бултур Федерация ва унинг ҳудудий бирлашмалари ҳамда туман (шаҳар) жамиятлари томонидан 1287 та ўқув семинари, 6462 та давра суҳбати ташкил этилди, оммавий ахборот воситалир орқали кўплаб чиқишлар уюштирилди.

Шунингдек, Федерациянинг интернет тармоғидаги www.potreb.uz, www.istemol.uz сайти фаолияти йўлга қўйилди. У орқали Федерация ва унинг ҳудудий тузилмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, ўзлари учун керакли бўлган маълумотларни олиш мумкин.

Ташкилот томонидан ёшларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида академик лицей, касб-ҳунар коллежларида «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш» бўйича 8 соатлик қўшимча дарслар жорий этилди. «Истеъмолчи кутубхонаси» туркумида ўнга яқин ўзбек ва рус тилларида қўлланмалар яратилди. Жумладан, «Биз истеъмолчимиз» мавзуига бағишланган қўлланма орқали ёшлар «Истеъмолчи ким, унинг ҳақ-ҳуқуқлари нималардан иборат, бу борада манфаатларни ҳимоя қилувчи қандай қонун-қоидалар мавжуд» каби саволларга жавоб олиб, улардан фойдаланиш усулларидан воқиф бўлмоқда. Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш, таълим соҳалари, жамоат транспорти, умумий овқатланиш шохобчалари, савдо-сотиқ, почта-алоқа хизматлари бўйича маълумот берувчи буклет, плакатлар тайёрланди.

Эътироф этиш керакки, Федерация қатор вазирлик, қўмита ва идоралар билан ҳамкорликда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқий билим савияси ва истеъмол маданиятини ошириш мақсадида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи» кўрик-танловини ўтказиб келаётир. Ушбу тадбирда ҳар йили республикамиздаги 138 та академик лицей ва 1370 та касб-ҳунар коллежида таълим олаётган бир миллиондан кўпроқ ўқувчилар иштирок этмоқда.

Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» мухбири

Миллий матбуот марказида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан анжуман ўтказилди. Ёшларнинг жисмонан соғлом ва маънан баркамол бўлиб камолга етишида катта ижобий куч сифатида таъсир кўрсатувчи китобларнинг мазмун ва сифатини янада яхшилашга бағишланган тадбирда ноширлар, шоир ва ёзувчилар, ОАВ вакиллари иштирок этди.

«Шарқ»нинг беназир туҳфалари

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёдаги энг йирик мажмуа ҳисобланади. Компаниянинг асосий ишлаб чиқариш базаси Германия, Швеция, АҚШ, Япония ва Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган матбаачилик дастгоҳ ва ускуналари билан жиҳозланган. Айни дамда ишлаб чиқариш базасини янада такомиллаштириш ва модернизациялаш борасида саъй-ҳаракатлар давом эттирилмоқда. Биргина 2013 йилда компания томонидан 27,5 миллиард сўмлик газета ва журналлар, китоблар, дарслик ва дафтар каби босма маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Бугунги кунга келиб компания матбаа базасида 77 номдаги газета, ўнлаб журнал чоп этилмоқда.

Анжуманда ёш авлодга мос китобларни кўпайтириш биринчи галдаги вазифа эканлиги таъкидланди. Компания томонидан «Соғлом бола тарбияси», «Ўзбек халқ болалар ўйинлари», «Само юлдузлари», «Ўзбек халқ эртаклари», «Тирик сайёра» каби кўплаб китоблар чоп этилмоқда.

Компания тасарруфида кеча-кундуз ишлайдиган тиббиёт маскани, сув-соғломлаштириш маркази, шунингдек, «Навбаҳор» санаторий-профилакторийси, «Фазогир Гагарин» болалар оромгоҳлари фаолият юритиб келмоқда.

Тадбирда хайрли ишлар ҳақида маълумот берилиб, янгилик сифатида жорий йилда истиқлол йилларида адабиёт оламига кириб келган, ёш истеъдодли ижодкорларнинг асарлари «XXI аср умидлари» рукнида чоп этилиши таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, болалар адабиёти, матбаа маҳсулотларининг дизайни ва мазмунини бойитиш ҳақида фикрлар билдирилиб, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

O'ZSANOATQURILISHBANK

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ

янги турдаги омонатларни таклиф этади:

«Тежамкор» номли миллий валютадаги муддатли омонати
Муддати: 3 ой
Бошланғич бадалнинг минимал миқдори: 100.0 минг сўм.
Қўшимча шартлари: Фоиз тўлови ҳар ойда тўланади.

«Бинафша» номли миллий валютадаги жамғарма омонати
Муддати: 3 ой
Бошланғич бадалнинг минимал миқдори: 100.0 минг сўм.
Қўшимча шартлари: Фоиз тўлови ҳар ойда тўланади.

«Ишончли даромад» номли миллий валютадаги муддатли омонати
Муддати: 6 ой
Бошланғич бадалнинг минимал миқдори: 1 млн.сўм.
Қўшимча шартлари: Фоиз тўлови олдиндан омонатчининг пластик картаси. ҳисобварағига ўтказиб берилади.

«Оила капитали» номли АҚШ долларидаги жамғарма омонати
Муддати: 12 ой
Бошланғич бадалнинг минимал миқдори: 300 АҚШ доллари.
Қўшимча шартлари: Фоиз тўлови ҳар ойда Марказий банк курси бўйича миллий валютада тўланади.

Омонатчилар диққатига!

Омонатга аҳолидан пул маблағлари чекловсиз қабул қилинади;
Омонатчилар тўғрисида маълумотлар сир сақланади;
Омонатлар ва унга ҳисобланган фоиз даромадлари омонат шартига асосан вақтида тўлиқ берилиши кафолатланади;

Ўзсаноатқурилишбанкдаги аҳоли омонатлари Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан кафолатланган.

ВАҚТ ДАВОМИДА СИНАЛГАН ИШОНЧ!

www.uzpsb.uz

Билиб қўйган яхши

Маълумки, кундалик турмушда барча истеъмолчи ҳисобланади. Масалан, бозор ёки дўконлардан ўзимиз учун зарур бўлган товар ёки маҳсулотларни сотиб оламиз, шу билан бирга, коммунал хизматлар, яъни табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви, иссиқлик ва иссиқ сувдан фойдаланамиз ҳамда бошқа бир қатор хизматлар учун белгиланган тартибда ҳақ тўлаймиз.

Агар, мабодо, сотиб олган маҳсулот талабга жавоб бермаса ёки кўрсатилаётган коммунал хизматлардан кўнглимиз тўлмаса, жумладан, бизга нисбатан ноҳақлик қилинса, шартнома шартлари бажарилмаса кимга ва қаерга мурожаат қилиш мумкин? Умуман, истеъмолчилар ҳуқуқларининг давлат томонидан ҳимоя қилинишини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, судлар таъминлайди. Хусусан, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун махсус ваколат берилган давлат органлари ҳисобланиб, улар истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини ўз ваколатлари доирасида назорат қилувчи давлат бошқаруви органлари ҳисобланади.

Коммунал хизмат: қарс икки қўлдан

КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР — совуқ ва иссиқ сув таъминоти, сув чиқариш (канализация), электр таъминоти, газ таъминоти ва иситиш хизматлари тақдим этилишидир. Электр энергияси ва газ учун тарифларни Молия вазирлиги, иссиқ ва совуқ сув, канализация, иситиш учун тарифларни Қорақалпоғистон Республикаси молия вазирлиги, вилоятлар ҳокимликлари молия бошқармалари ва Тошкент шаҳар молия бош бошқармаси белгилайди.

Ширкат аъзолари кўп квартирали уйда умумий мол-мулкни сақлашга мажбурий бадалларни киритадилар. Умумий мол-мулк квартирамиз ташқарисидаги нарсалардир. «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг *(12.04.2006 йилдаги ЎРҚ-32-сон, бундан кейин — Қонун)* 28-моддасига кўра унга қуйидагилар киради: кўп квартирали уйнинг умумий жойлари (холлар, коляскахоналар, ахлат камералари ва ҳоказолар); таянч ва тўсиқ конструкциялар (деворлар, тўсиқлар, балконлар, лоджиялар, пештоқларнинг ойналаштириш конструкциялари); квартиралар оралиғидаги иҳоталанган (ўралма) пиллапоялар; зинапоялар (йўлакдаги, бинога ташқаридан кириш зинапоялари); лифтлар; лифтнинг шахталари ва бошқа шахталар (масалан, вентиляция учун); даҳлизлар; техник қаватлар; ертўлалар; чердаклар ва томлар; уй ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари; жойлар ташқарисида ёки ичида жойлашган ва биттадан ортиқ квартирага хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техника ускуналари ва қурилмалари ҳамда бошқа ускуналар ва қурилмалар.

Ширкат уй-жой мулкдорларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан умумий мол-мулкни сақлаш учун ташкил этилади. Қонуннинг 30-моддасида уларнинг умумий мол-мулкни сақлаш бўйича харажатларни биргаликда зиммаларига олиш мажбурияти белгиланган. Улар ХУМШ аъзоларининг мажбурий бадаллари билан қопланиши керак, уларнинг миқдорини умумий йиғилиш белгилайди. Бадал миқдори уй учун зарур ишларни бажаришга даромад ва харажатлар сметасида режалаштирилган харажатларга мувофиқ келиши керак. Агар ширкат аъзолари уйда том, ертўла, уй ичи тизимларини таъмирлашни хоҳлашса, бадал юқори бўлади, чунки бу жуда серчиқим ишлардир. Агар уйнинг аҳволи яхши бўлса ва барча қимматга тушувчи ишлар қилинган бўлса, бадал миқдорини умумий йиғилишнинг қарори билан камайтириш ёки бир муддат оширмаслик мумкин.

Қандай бўлмасин, уй учун нима қилиш кераклигини, бунинг учун қанча маблағлар зарурлиги ва мажбурий бадалнинг миқдори қанча бўлишини ҳал этиш — ХУМШ аъзолари умумий йиғилишининг хос ҳуқуқи. Агар уйда яшовчилар буни қилишмаса ва ўз уйларидаги ишларга аралашишмаса, улар учун барча масалаларни раис ҳал қилади.

ХУМШ — хусусий уй-жой мулкдорларининг ғамхўрлиги, кўп квартирали уйдаги турар жойга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигидир *(Қонуннинг 5-моддаси)*.

Кўп квартирали уйларимизнинг техник ҳолати турлича. Бир уй таъмирланган, бошқаси эса кўп харажат талаб этади. Айни шу сабабли умумий мол-мулкни сақлаш бадаллари бир хил бўлмаслиги мумкин. Бир уйда улар юқори бўлса, бошқасида паст. Уларни миқдори қатъий белгиланган, ҳеч бўлмаганда навбатдаги оширишгача барча учун мажбурий коммунал хизматлар тўловлари билан солиштириб бўлмайди. Шу боис коммунал хизматлар тарифлари тўғрисидаги ахборот истеъмолчиларга улар учун ҳақ тўланадиган банк кассаларида кўрсатилади.

Президентимизнинг «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори *(11.02.2005 йилдаги ПҚ-5-сон)* билан ширкатлар ва коммунал хизматлар кўрсатиш корхоналарига улар томонидан кўрсатилган уй-жой-коммунал хизматлар, шу жумладан, умумий мол-мулкни сақлашга мажбурий бадалларни киритиш учун аҳолидан нақд пул маблағларини мустақил йиғиш тақиқланган. Ширкат яқин орадаги банк билан шартнома тузади, унда ХУМШ аъзолари умумий мол-мулкни сақлаш бадалларини касса орқали тўлайдилар. Ушбу банк қаерда жойлашганлигини ўз ХУМШингизда билиб олишингиз мумкин. Бухгалтер сизга тўлов учун квитанцияни тўлдириши керак. Баъзи ХУМШларда аҳолига қулай бўлиши учун бухгалтер банк кассири сифатида расмийлаштирилади. Шунда у ХУМШ аъзоларидан бадал қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Мажбурий бадалларни нақд пул билан ширкатда тўлаш ҳуқуқ доирасида бораётганлигига ишонч ҳосил қилиш учун бухгалтердан, агар у расмийлаштирилган бўлса, банк гувоҳномасини талаб қилишингиз мумкин. Ёдда тутинг, бундай ҳолда мажбурий бадалларни тўлаш чоғида сизга белгиланган намунада банк квитанциясини беришлари керак.

ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНГАН ГАЗ УЧУН ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

Истеъмолчи томонидан олинган газ учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ўрнатилган нархларга биноан амалга оширилади.

Истеъмолчига етказиб бериладиган газга белгиланган нархлар фақат Молия вазирлиги томонидан ўзгартирилиши мумкин.

Истеъмолчи томонидан олинган газ учун тўловлар ҳар ой тугагандан сўнг ўн кун ичида амалга оширилиши лозим.

Газ учун тўловлар қисман ёки тўлиқ амалга оширилмаган ҳолда Газ таъминоти корхонаси истеъмолчини олинган газ учун тўловни амалга ошириши тўғрисида огоҳлантиради.

Агар истеъмолчи огоҳлантирилгандан сўнг 10 кун ичида олинган газ ҳақини тўламаса, у газ тармоғидан узиб қўйилади. Қарзларнинг бундан кейинги ундирилиши судлов тартибида амалга оширилади.

Олдиндан тўланган аванс маблағлари қайтарилмайди ва бу маблағлар кейинги ой тўловларида ҳисобга олинади.

Истеъмолчи томонидан тўловлар нақд ва нақд пулсиз кўринишда амалга оширилади.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ УЧУН МАИШИЙ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР (АҲОЛИ)

Электр энергияси учун ҳақ тўлаш маиший истеъмолчи томонидан аҳолидан тўловларни қабул қилувчи пунктлар ва ташкилотлар орқали ҳар ойнинг 10-кунигача амалга оширилади.

Электр энергияси учун олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга бўлган ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган маиший истеъмолчилар электр энергияси учун ҳақ тўлашни олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширадилар. Тўлов ҳужжатларини ёзиш ва ҳақ тўлаш пайтида йўл қўйилган хатолар, уларнинг аниқланишига кўра, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан даъво муддати мобайнида ҳисобга олинади. Банк ҳужжатида кўрсатилган сана тўлов амалга оширилган вақт деб ҳисобланади.

Аҳолидан тўловларни қабул қиладиган ташкилот (тижорат банкларининг бўлимлари, «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик жамиятининг бўлимлари ва аҳолидан тўловни нақд маблағлар билан қабул қилиб олиш пунктлари) тўлов ҳужжатларини ўрам, бандеролларга ва электрон реестрларга жамлайдилар. Ҳар қайси бандеролда (банк бўлими томонидан маълум даврда қабул қилиб олинган маиший истеъмолчиларнинг тўлов ҳужжатлари тўпламида) ҳудудий электр тармоқлари корхонасига бериш вақтида ёрлиқ бўлиши лозим, ёрлиқда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

бандеролни шакллантириш бошланган ва тугалланган сана;

бандеролдаги ҳужжатлар сони;

қабул қилиб олинган тўловларнинг умумий суммаси;

касса хизмати кўрсатилганлиги учун тўлов сифатида ушлаб қолинган сумма;

ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ҳисоб рақамига ўтказиладиган сумма.

Бунда аҳолидан тўловни қабул қилиб олувчи ташкилотлар, шартномада белгиланган муддатларда, электр энергияси учун тўлов сифатида келиб тушган пул маблағларини ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига ўтказилишини таъминлаши шарт.

Маиший истеъмолчилар тўлов бўйича қарздор бўлишганда, тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайдилар.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт. соатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан уларнинг аниқланишига қараб, даъво муддати доирасида, ортиб борувчи якун бўйича кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан ҳисобга олинади.

Тариф ўзгарганда тариф ўзгарган санагача истеъмол қилинган электр энергияси ҳажми олдинги тўлов вақтидан бошлаб ўртача суткалик истеъмол бўйича аниқланади ва унга эски тариф бўйича ҳақ тўланади. Ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари тўлов кунида ёзиб олинган деб ҳисобланади.

Маиший истеъмолчи, ўз хоҳишига кўра, 12 ойдан кўп бўлмаган муддат учун электр энергиясидан фойдаланиш ҳақини олдиндан тўлаб қўйиши мумкин, бу ҳолда тариф ўзгарса ҳам қиймат қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

Маиший истеъмолчида амалдаги электр энергияси истеъмоли кўрсаткичларини камайтириш мақсадида ҳисобга олиш приборини улаш схемаси ўзгартирилгани, унинг (истеъмолчи айби) билан бузилгани ёки йўқлиги, пломбалар кўчирилгани, электр қабул қилгичлар ҳисобга олиш приборидан ташқари улангани ва бошқа қоида бузилишлари аниқланган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси охирги текшириш кунидан бошлаб ўтган (лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган) давр учун маиший истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган электр энергияси ҳақини қайта ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Бунда қайта ҳисоб-китоб қилиниши истеъмолчини электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги жавобгарликдан озод қилмайди.

ҚАТТИҚ МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАР, СУЮҚ МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАР (канализация мавжуд бўлмаган жойларда) ни ташиш хизматлари учун тўлов қонунчилик томонидан белгиланган шартномавий нархлар бўйича амалга оширилади.

Турар жой бинолари бўйича қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш меъёрлари 1 киши учун, бинодаги қулайликлардан (иситиш, газ таъминоти, иссиқ ва совуқ сув таъминоти, оқава сувлар (канализация) тизимларининг мавжудлиги) келиб чиққан ҳолда белгиланади.

СУВ ТАЪМИНОТИ ВА ОҚАВА СУВЛАР (КАНАЛИЗАЦИЯ) ХИЗМАТЛАРИ — сув таъминоти хизматлари таннархига сув йиғиш иншоотлари, насос станциялари, тозаловчи иншоотлар, муҳандислик тармоқларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича харажатлар киради. Тарифлар ҳисоб-китоби сув қувури (водопровод)га кўрсатиладиган хизматлар бўйича алоҳида ва оқава сувлар тизими (канализация)га кўрсатиладиган хизматлар бўйича амалга оширилади.

Хизматлар учун тўлов ставкаси аҳоли учун тасдиқланган тарифлар ва истеъмол меъёрларидан келиб чиққан ҳолда бир ойда бир киши ҳисобида белгиланади. Сув сарфи ўлчагичи мавжуд бўлса, ичимлик суви учун тўлов сув сарфи ўлчагичи кўрсатиши бўйича амалга оширилади.

ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ХИЗМАТЛАРИ (иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш ва транспортировка қилиш) — Иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш ва транспортировка қилиш харажатлари таркибига иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш ва иссиқлик тармоқларига хизмат кўрсатиш ҳамда абонент шохобчалари, сув ҳарорати, босими сарфини тартибга солиш бўйича автоматик қурилмалар ишини назорат қилиш бўйича харажатлар киради. Иссиқлик таъминоти хизматлари учун тарифларни шакллантиришда иссиқлик тармоқлари ва иссиқлик қозони жиҳозларини мукаммал таъмирлаш учун давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган маблағлар (давлат субсидиялари) иссиқлик билан таъминловчи ташкилотлар харажатларидан чиқарилади.

АҲОЛИ УЧУН ТАРИФЛАР ҚУЙИДАГИЧА ЎРНАТИЛАДИ:

— марказий иситиш бўйича бир ойда иситиладиган 1кв. м. учун;

— иссиқ сув таъминоти бўйича сув ўлчагич бўлмаса — бир ойда 1 киши учун; сув сарфини ўлчайдиган сув ўлчагич мавжуд бўлса — 1 куб.м иссиқ сув учун.

Тарифлар харажатлар таннархидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Марказий иситиш учун — тўловнинг йиллик йиғиндиси (суммаси) иситиш мавсумининг давом этишини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Ойлик тўлов йиллик тўлов йиғиндиси (суммаси)ни ҳар бир ойга тенг равишда бўлиш йўли билан белгиланади.

Иссиқ сув таъминоти учун — тўлов аҳоли томонидан белгиланган тарифлар бўйича ҳар ойда амалга оширилади, иссиқ сув кечаю кундуз етказиб берилганида.

Уй-жой мулкдорлари ширкатларида ҳар бир мулкдор учун умумий харажатлар бўйича мажбурий бадаллар миқдорлари унга тегишли бўлган хонадон майдони ва уйнинг умумий майдонига мувофиқ равишда қабул қилинган даромадлар ва харажатларнинг йиллик сметаси асосида ўрнатилади.

Ҳуқуқини билган адашмайди

Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш, меҳнат соҳасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш борасида эришилган ижобий натижалар меҳнаткашларда ишонч ҳисси ортишига сабаб бўляпти. Ўтган йили бирлашмага 239 нафар фуқаро юридик кўмак сўраб мурожаат қилгани ҳам бежиз эмас. Айниқса, ходимни суд орқали ҳимоя қилиш амалиёти кенг қўлланиляпти. 2013 йилда уюшма мутахассислари 34 маротаба судларда иштирок этди. 14 нафар ходим суд орқали, 4 нафар ходим уюшма тақдимномаси асосида ишга қайта тикланди.

Раҳбар қарши бўлса ҳам...

Мисол учун, касаба уюшмасига вилоят сил касаллиги диспансери гинеколог врачи лавозимида ўриндошлик асосида ишлаб келган Зилола Остонова ариза билан мурожаат қилди. Ходим бош врач ва унинг ўринбосари О.Чориев томонидан турли важлар билан, ноқонуний ишдан бўшатилганини баён қилиб, уюшмадан ҳимоя сўраган. Раҳбарият ундан 2013 йилнинг август ойидан бошлаб уч ярим ой муддатга Тошкент шаҳрига ўқишга боришни талаб қилганини, З.Остонованинг уч ёшга тўлмаган эмизикли фарзанди борлиги инобатга олинмаганини билдирган.

Бу орада ходим навбатдаги меҳнат таътилига чиқди. Бироқ, таътил тугагандан сўнг ҳам яна хизмат сафари масаласи кўтарилди. Ундан ишдан кетиши тўғрисида ариза талаб қилина бошланди. Буни қарангки, ходимни бўшатиш учун дарров бошқа важлар ҳам топила қолди...

Яъни диспансер маъмурияти, 14 ноябрда хат орқали З.Остоновага штат жадвалида фтизиогинеколог штат бирлигини бутлаш кераклиги, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг талабларига мувофиқ, ушбу штат бирликларини айнан фтизиоуролог ёки фтизиогинеколог мутахассислар эгаллаши мумкинлиги, ходимнинг бундай ихтисосликка эга бўлмаганлиги сабабли 2013 йилнинг 1 ноябридан бошлаб иш билан таъминлаш имконияти йўқлиги маълум қилинган.

Ўрганиш жараёнида, иш берувчининг ушбу хати меҳнат қонунчилиги талабларига зид эканлиги аниқланди. Ходимга зарур меҳнат шароитлари яратилиши кераклиги тўғрисида тақдимнома киритилди. Бироқ, тақдимномага жавобан маъмурият З.Остонова билан тузилган меҳнат шартномаси 2013 йилнинг 28 ноябр куни МКнинг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига асосан, яъни ходимнинг ўз хизмат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги учун бекор қилинганлигини билдирган. Бунга гўё, ходимнинг 2013 йилнинг 22 октябридан 1 ноябргача ишга чиқмаганлиги сабаб қилиб кўрсатилган. Буйруққа диспансер хирургия бўлими мудири Н.Бабаджанова ва бош врач ўринбосари О.Чориевнинг билдиришномаси, касаба уюшма қўмитасининг 2013 йил 15 ноябрдаги йиғилиш баёни асос қилиб олинган.

Бироқ, Меҳнат кодексининг 237-моддасида, ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно, бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни, албатта, ишга жойлаштириш шарти билан бекор қилинади, деб белгилаб қўйилган. Шунингдек, Кодекснинг 238-моддаси оналик билан боғлиқ имтиёзларни кафолатлайди. Унга асосан уч ёшга тўлмаган фарзанди бўлган аёлларни тунги ишларга ва иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб этиш ва хизмат сафарларига юбориш чекланган. Ўқишга ва малака оширишга юбориш хизмат сафари ҳисобланиши сабабли, иш берувчи аёлни узоқ шаҳарга ўқишга юбориши тақиқланади.

З.Остоновадан ҳуқуқшунослар бир иш ҳафтаси мобайнида нега ишга чиқмаганлиги тўғрисида тушунтириш хати талаб қилганида, у кўрсатилган вақтда ишда бўлганлигини, бу беморларнинг касаллик тарихи дафтарларида ҳам қайд этилганлигини, яъни дафтарларда унинг имзоси қўйилган ҳулосалар борлигини билдирди. Шунингдек, ходим ушбу ҳолат юзасидан касаба уюшма қўмитаси йиғилишида гапиргани, аммо йиғилиш баёнига, негадир, унинг сўзлари киритилмаганини маълум қилди. Бундан ташқари, урология бўлими катта ҳамшираси Гулноз Исматова ўз билдиргисида врач З.Остонованинг 2013 йил октябр ойида ишда бўлганлигини тасдиқлайди. Аммо бош врач З.Остоновага 10 кун «прогул» ёзишни айтганлигини баён қилди.

Ушбу ҳолат юзасидан касаба уюшмалари фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси киритди. Натижада, ФИБ Қоракўл туманлараро судининг ҳал қилув қарорига асосан вилоят сил касаллиги диспансерининг З.Остонова билан тузилган меҳнат шартномасини МКнинг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига асосан бекор қилиш тўғрисидаги буйруғи ноқонуний деб топилди. З.Остонова аввалги лавозимига тикланди. Шунингдек, унга тегишли иш ҳақи ва маънавий зарар ундириб берилди.

Х.ЧОРИЕВ,
Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими етакчи юристконсулти

Тежамкорликнинг 21 усули

1. Чироқни ўчиришни унутманг.
2. Энергия тежовчи лампочка ва жиҳозлардан фойдаланинг.
3. Кириш эшигини совуқ ўтказмайдиган қилинг. Эшикнинг ўзи ва эшик ўрни ўртасидаги тирқишларни йўқотинг. Бу эса хонадаги ҳароратни 2-3°Сга кўтариш имконини беради.
4. Батареяларга терморегуляторлар ўрнатинг.
5. Хоналарни иситиш учун электр ва газ плиталаридан фойдаланманг — бу кам самарали ва хавфлидир.
6. Ёритиш учун люминесцент лампалардан фойдаланинг. Улар электрни чўғланма лампаларга қараганда 4-5 баравар кам ишлатади. Ёки индивидуал чироқ регуляторлари (диммерлар) бўлган чўғланма лампалардан фойдаланинг.
7. Имкони борича табиий ёритишдан фойдаланинг.
8. Совуткични иситиш ва қизитиш қурилмаларидан узоқроққа ўрнатинг. Унинг корпусига қуёш нурлари тушишига йўл қўйманг.
9. Совуткичнинг орқа девори билан уй девори ўртасида доимо 5–10 см. оралиқ қолдиришни унутманг.
10. Электр асбобларни харид қилаётганда уларнинг энергия самарадорлиги даражасига эътибор беринг. «А» даражасидаги электр асбоблар энг кўп тежамкор ҳисобланади.
11. Иситиш асбобларини тўсиб қўйманг, илиқ ҳавонинг хонани иситишига халақит берманг.
12. Кечқурун пардаларни ёпинг. Бу ҳол иссиқликнинг чиқиб кетиши олдини олади.
13. Хонани қисқа вақт, бироқ тез-тез шамоллатиб туринг. Доимо очиқ турадиган форточка ва деразалар кўчани «ситади» ва пулларингизни совуради. «Шиддатли» шамоллатишдан фойдаланиб, деразаларни қисқа вақтга кенг очиб қўйинг. Бунда ҳаво алмашинишга улгуради, бироқ хонани совутишга улгурмайди.
14. Батарея ортига иссиқликни акс эттириш экранини ўрнатинг. У махсус материал — пенофол (бир томонлама зарлаштириш билан кўпиклаштирилган асос) ёки оддий зарқоғоз бўлиши мумкин. Бу эса хонадаги ҳароратни камида 1°Сга кўтариш имконини беради.
15. Батареяларни тўқ рангга бўянг — силлиқ тўқ рангли юза иссиқликни 5-10 фоизга кўпроқ чиқаради.
16. Бино атрофида дарахтлар ўтказинг — улар хона ичидаги иссиқликни сақлаб қолишга имкон беради.
17. Ричагли аралаштиргичларни афзал кўринг. Улар сувни икки жўмракли аралаштиргичларга қараганда тезроқ аралаштиради, демак сув мақбул ҳарорат танланганда камроқ сарфланади.
18. Жўмракларга пуркагич учликлар ўрнатинг. Бу эса сув истеъмолини қисқартиришда ёрдам беради.
19. Ваннада чўмилишда сарфланадиган ҳажм билан таққослаганда душ сув истеъмолини 5-7 баравар камайтиради. Агар душда тешиклари камроқ диаметрда бўладиган тежамли таратгичдан фойдаланилса, сув ҳам камроқ сарфланади.
20. Тежамли сантехникани, масалан, сув тушириши икки режимли унитазни харид қилинг.
21. Агар унитазнинг сув тушириш бачоги сув тушириш икки режими билан жиҳозланмаган бўлса, оддий восита сувни йўқотишга йўл қўймасликда ёрдам беради. 2 литрли пластик идишни сув билан тўлдиринг ва бачокка жойлаштиринг. Ушбу оддий «қурилма» кунига 20 литргача сувни тежаш имконини беради.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Реклама ва эълонлар

«Surxondaryo mulk markazi» MChJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Асака» давлат – акциядорлик тижорат банки (ОАЖ) бошқарувининг 08-сонли баённомасига ва «Асака» давлат тижорат банки (ОАЖ) Сурхондарё вилоят филиалининг 2014 йил 10 март кундаги № 46-а/ф-сонли буйруғига асосан Термиз шаҳар А.Навоий кўчаси 45^-уйда сақланаётган қуйидаги қишлоқ хўжалик транспорт воситалари қўйилмоқда;

1.ТТЗ-8010 русумли, д/р 50-24 НЕ бўлган, 2010 й. и/ч соз ҳолатдаги трактор. **Б/б 23 585 000 сўм.**

2.2 ПТС-4-793А-03А русумли, д/р 20-42 ЕЦ бўлган, 2010 й. и/ч соз ҳолатдаги тиркама. **Б/б 2 132 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 15 апрел куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2014 йил 15 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 22 апрел куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 15 апрел учун 2014 йил 11 апрел, 2014 йил 22 апрел куни учун 2014 йил 18 апрел куни соат 18:00.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини SMM МЧЖнинг ХОАББ «Траст банк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р 20208000904941294001, МФО 01063, ИНН 302125729.

Манзил: Сурхондарё вилояти,Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси.

25 октябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома.

Хизматлар лицензияланган.

Конференция

Келажакка ташланган нигоҳ

ЎзКУФК Ўқув марказида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг навбатдан ташқари конференцияси ўтказилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, ҳамкор ташкилотлар раҳбарлари, жамғарманинг Васийлик Кенгаши аъзолари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан делегатлар иштирок этишди. Анжуманни Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова олиб борди.

Конференцияда сўзга чиққан жамғарма бошқаруви раиси С.Иномова ўтган йилда бажарилган ишлар ҳақида ҳисобот бериб, келгусидаги вазифалар ижросига алоҳида тўхталди.

Таъкидланганидек, жамғарма ташкил этилгандан буён республикамизнинг барча ҳудудларида жисмонан бақувват, маънан етук фарзандларни тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш, «Соғлом авлод» ҳаракатини ривожлантириш йўлида давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда кўпгина самарали лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этди.

Айниқса, 1996 йилда жамғарма ташаббуси билан республикамизда тиббий ижтимоий патронаж тизими ташкил этилгани фаолият мазмун-мундарижасини тубдан бойитди. Шунингдек, халқаро ҳамкорлик доирасида юртимиздаги бемор болалар Германия, Корея Республикаси ва бошқа ривожланган давлатларда хайрия йўли билан соғломлаштирилди. Айни пайтда ушбу давлатларнинг грант маблағлари ҳисобига юртимиз клиникаларида ҳам бемор болалар саломатлиги тикланмоқда. Бундан ташқари, болаликдан ногирон туғилишнинг олдини олиш ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш бўйича она ва бола скринингининг ташкил этилиши ва Скрининг Давлат дастурининг бажарилишида жамғарманинг алоҳида ўрни бор.

Жамғарма 2013 йилда ҳам тиббиёт, халқаро ҳамкорлик, мурувват ёрдами, болалар спортини ривожлантириш, таълим ҳамда маданий-маърифий соҳаларда салмоқли ишларни амалга оширди.

Конференцияда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг номини ўзгартириш тўғрисидаги масала ҳам кўрилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 30 январдаги «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фондини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талабларидан келиб чиқиб ҳамда конференцияда билдирилган фикр ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди, деб ўзгартирилди.

Конференция иштирокчиларига «Соғлом авлод учун» фондининг янги вазифалари, ташкилий тузилмасидаги ўзгаришлар хусусида батафсил маълумот берилди.

Йиғилиш кун тартибида фоннинг бошқаруви таркиби, Тафтиш комиссияси ҳамда Васийлик Кенгашининг янги аъзолари тасдиқланди. Шунингдек, фоннинг Устав лойиҳаси маъқулланиб, муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган сурат

ВЕЛОСПОРТ

Касаба уюшмалари ходимлар ва улар оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш учун кўплаб тадбирларга бош-қош бўлмоқда. «Касаба-тур» веломарафони ана шулардан биридир.

ОММАВИЙЛИК САРИ

— Жорий йил веломарафонида кўплаб ҳаваскорларнинг иштирок этиши кутилаётир, — дейди Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Акбар Абдусаидов. — Мусобақанинг қуйи босқичига алоҳида тадорик кўрилди. Иштирокчилар сафини кенгайтириш мақсадида бор имкониятдан фойдаландик.

Ўтган йилда вилоятнинг турли ҳудудларидан келган 400 дан ортиқ ҳаваскор велоспортчилар баҳслашган эди. Эътиборли жиҳати, спортнинг бу турига кўнгил қўйганлар орасида ёши олтмишдан ошганларни ҳам учратиш мумкин.

Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти доценти Убайдулла Қосимов саломатлигини ўйлаб, қарийб чорак асрдан буён велоспорт билан шуғулланади. Ўтган йилги беллашувда ғолиблар сафидан ўрин олганлиги ҳам бежиз эмас.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида ўтказилаётган «Касаба-тур»нинг мазкур босқичига «Қишлоқ хўжалик кимё» ОАЖ Чиноз туман филиалида ҳам катта тайёргарлик кўрилгани мусобақа давомида сезилиб турди.

Чиноз Марказий ўйингоҳи атрофидаги трассада ташкиллаштирилган беллашувда қирқдан ортиқ ҳаваскор велоспортчи иштирок этди.

— Бундай веломарафонлар биз каби спортсеварларнинг жону дили. Оммавийлик ана шундай қулоч ёзади, — деди мусобақа ғолиби Миразим Эргашев.

Мазкур турда ғалаба қозонганлар туман босқичи йўлланмаларини қўлга киритишди.

БОЛАЛАР СПОРТИ

Юнусобод туманидаги «Саховат спорт сервис» ОАЖ сув спорти саройи ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети спорт залида пойтахтимиздаги умумтаълим мактаблари ва коллежлар ўқувчилари ўртасида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди кубоги учун III «Нафосат олами» спорт фестивали бўлиб ўтди.

ЖИСМОНАН КУЧЛИ, МАЪНАН ЕТУК

Мусобақа «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши, Сузиш федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Фестивалда уч юздан ортиқ ўқувчи-ёшлар синхрон сузиш, сузиш, сувга сакраш, гимнастрада, спорт рақси турлари бўйича ўзаро куч синашди.

— Мусобақа менга жудаям ёқди. Янги ўртоқлар орттирдим, — деди гимнастрада баҳсларининг етти ёшли жажжи иштирокчиси Робиябону Яҳёева.

— Бизнинг рақс тўгарагимиз 2009 йилда ташкил этилган. Ҳозирда машғулотларда элликдан ортиқ қиз мунтазам иштирок этмоқда. Бугунги фестивалда иштирок этган шогирдларимнинг юзидаги қувончни кўриб, кўнглим тоғдай кўтарилди, — деди Яккасарой туманидаги 144-умумтаълим мактабида фаолият олиб бораётган «Ниҳол» рақс тўгараги раҳбари Дилноза Маҳмудова.

ТОҒ ЧАНҒИСИ

Эроннинг Дизин шаҳрида тоғ чанғиси бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари олтин, 2 кумуш ва 5 бронза медалига сазовор бўлдилар.

ҚЎША-ҚЎША МЕДАЛ

Терма жамоамиз ҳисобига олтин медални Артем Воронов слалом бўйича мусобақада келтирди. Сочи шаҳри (Россия)да ўтказилган XXII қишки Олимпиада ўйинлари якунланиши билан Осиё чемпионатига йўл олган Артем Воронов олтин медал билан бирга, икки кумуш ва бронза медалига ҳам сазовор бўлди.

Терма жамоамиз етакчиларидан яна бири Светлана Баранова бир йўла тўрт йўналиш — слалом, слалом-гигант, super-гигант, super-комбинацияда бронза медалларини қўлга киритди.

Мазкур қитъа чемпионатида терма жамоамиз таркибидан Комилжон Тўхтаев ва Аркадий Семенченко ҳам ўрин эгаллаган эди. Бу икки умидли спортчиларимиз учун Осиё чемпионати баҳслари ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

ОҒИР АТЛЕТИКА



Таиланднинг Бангсаен шаҳрида оғир атлетика бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионати баҳслари ниҳоясига етди. Мазкур қитъа чемпионатида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари 4 та кумуш ва 6 та бронза медалига сазовор бўлиб, 14 давлат вакиллари орасида умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди.

ТЎРТ КУМУШ, ОЛТИ БРОНЗА

Терма жамоамиз ҳисобига учта кумуш медални Шерзод Маъруфжонов (-85 кг.) келтирди. Истеъдодли спортчимиз даст кўтаришда 111 кг., силтаб кўтаришда 142 кг., жами 253 кг. натижани қайд этди. Яна бир кумуш медал Файзулло Набиевга тегишлидир (-77 кг.) Файзулло даст кўтариш мусобақасида 129 кг. тошни ўзига бўйсундирди.

Осиё чемпионатининг бронза медаллари Азимжон Ғаниев (-94 кг.) ҳамда Зуфар Қодировга (+105 кг.) насиб этди. Азимжон Ғаниев даст кўтаришда 135 кг., силтаб кўтаришда эса 170 кг. натижани қайд этиб, 305 кг. натижа билан учта бронза медалига сазовор бўлди. Зуфар Қодиров даст кўтаришда 140 кг, силтаб кўтаришда 184 кг. тошни ўзига бўйсундириб, учта бронза медали соҳибига айланди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Бепул йўлланмалар

Аёллар саломатлиги йўлида

Бугунги кунда жамоа шартномалари ва келишувларига аёллар манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, оиланинг моддий аҳволини яхшилаш, тиббий хизматлардан бепул фойдаланиш, соғлом оилани шакллантириш борасида янги бўлим ва бандлар киритилган. Уларнинг бажарилиши комиссиямиз аъзолари томонидан назоратга олинган.

Соғлом бола соғлом онадан туғилиб, соғлом турмуш тарзи қарор топган оилада баркамол инсон бўлиб вояга етади. Бу эса аёлларга янада кўпроқ эътибор қаратиш, уларни қадрлаш, турли касалликлардан ҳимоя қилиш, асраб-авайлашни тақозо этади. Касаба уюшмаларининг бу борадаги ишлари йилдан-йилга ёрқинроқ кўзга ташланмоқда. Таъкидлаш жоизки, 2013 йилда Қорақалпоғистон Республикасида аёллар меҳнатини енгиллаштириш мақсадида корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ижтимоий ҳимояталаб 20 та оила бекаларига кир ювиш машиналари бепул тақдим этилди. Касаба уюшма тизимидаги санаторийларда 501 нафар хотин-қиз имтиёзли равишда саломатлигини мустаҳкамлаган бўлса, 68 нафар хотин-қиз бепул даволанди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Соғлом бола йили ҳамда 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Тахтакўпир тумани 3-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Дамехан Сейтниязова, Қараузяк тумани «Аскар» фермер хўжалиги ишчиси Райгул Нурабуллаева ва Тўрткўл тумани тиббиёт бирлашмаси туғруқ бўлими ҳамшираси Лолахон Гулимовага «Умид гулшани» санаторийсига бепул йўлланмалар ажратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси томонидан ушбу йўлланмаларни тантанали топшириш маросими ўтказилди.

Бепул йўлланма билан тақдирланган аёллар эътибор ва ғамхўрликдан чексиз миннатдор эканликларини изҳор этишди.

Г.ИЛМУРАДОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси

Реклама ва эълонлар

Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббий маркази
Тери ва замбуруғли касалликлар бўлими

ТЕРИ ВА ЗАМБУРУҒЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШ

Замбуруғли касалликлар билан боғлиқ саволлар бўйича маслаҳатлар

Мулоқот учун телефон рақамлари:
(+99898) 812 05 06; (+99893) 390 09 03;
(+99890) 963 01 06. (+99893) 655 03 04;

Хизматлар лицензияланган.

Байрам шукуҳи

Марғилон шаҳридаги Увайсий маҳалла аҳли Наврўз байрамини катта завқ-шавқ билан кутиб олмоқда. Ҳонадонларда, кўча ва майдонларда ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш ишлари авжида. «Ўзбекистон», «Тошкент», «Нурхон», «Увайсий» кўчалари тозаланиб, тартибга келтирилди. Маҳалладаги якка-ёлғизлар, боқувчисини йўқотганлар, серфарзанд ҳамда кам таъминланган оилалардан хабар олиш, беморларни йўқлаш, уларни моддий қўллаб-қувватлаш каби савобли ишлар амалга оширилаяпти.

Барчага манзур

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, уруш ва меҳнат фахрийси Абдураҳмон ота Тошпўлатов, меҳнат фахрийси Орифжон ота Усмонов каби 80, 90 ёшни қаршилаган 10 нафар нуроний отахон ва онахонларнинг эътибор ва эъзоздан бошлари осмонга етди.

Маҳалла чойхонасида ўтказилган «Марҳабо, Наврўзи олам» деб номланган байрам дастури шаҳар маданият ва спорт бўлими хушовоз хонандалари томонидан тақдим этилган мумтоз қўшиқлардан янада файзиёб бўлди. Маҳалла ҳудудидаги 12-умумтаълим мактаби ўқувчилари ижросидаги она ватан, истиқлол, ёшлик, тинчлик, Наврўзни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар ҳам барчага манзур бўлди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси

Бодом гуллаганда...

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Момонинг Райҳона исмли беш яшар невараси бор, қақажон қизалоқ. Бирам қизиқувчанки, мактабга ўқишга борадиган қўшни болаларнинг китобларини қўлидан туширмайди. Уларнинг оғзидан нима эшитса, ёдлаб олади, ҳатто санашни ҳам билади. Ҳозирдан инглиз тили алфавитини қўшиқ қилиб айтади. Телевизордаги «Болажон» канали унинг ақлини чархлашда энг яқин ёрдамчи.

Отаси ёки онаси бошқа кўрсатувларни кўрмоқчи бўлганларга, «Болажон» каналини Президентимиз болаларга совға қилган, ўчирмайсиз», деб туриб олади. Ундан «Кимнинг қизисан?» деб сўрасангиз, «Президент бобомнинг, кейин момомнинг, дадам ва аямларнинг қизиман» деб жавоб беради.

Бибинор момо дугоналари ва қўшни аёллар билан бир ҳафта бурун ундириб қўйган ва уст қисми зангори рангда майсалаб қолган буғдойни чиғирикдан ўтказади. Ҳосил бўлган масаллиқни илиқ сувга чаяди. Чайиндини момолар ширин сув, шакар сув дейишлари Райҳонанинг қулоғига чалинади.

— Сувга шакар ҳам, қанд ҳам, новвот ҳам қўшилмади-ку, қанақасига у ширин сув бўлади, — деб момосидан сўрайди зукко қиз.

— Шакарни Наврўз момонг қўшиб қўйибди. Ҳали кўрасан, бу сувга пишган сумалак асалдан ҳам ширин бўлади, — дейди Бибинор момо.

Ҳовлининг бир четида катта қозонга мўлжалланган ўчоқни қазиган йигитлар, ўтинни ҳам қалаб ташлашади. Осилган қозонга уч килоча мой солинади. Иримига деб мойга қатлама пишириб олинади. Сумалакнинг мойи шу йўсинда доғланади. Сўнгра, қозонга ун ташланади. Уннинг устидан ҳалиги ширин сув қўйилиб қориштирилади. Ўчоқнинг олови гуриллаб ёна бошлайди. Сувини тортгани сайин қозонга ширин сувдан қуйиб турилади. Олдинига оқариб турган масаллиқ оч малла рангга кириб қайнай бошлайди.

— Нега сумалакни кундузи эмас, кечаси пиширасизлар? — деб сўрайди Райҳона момосидан.

— Бунинг маъноси бор, — дейди Бибинор момо капгирни қозонда айлантириб. — Наврўз момо бошқа пайти эмас, айни тонг саҳарда қозон бошига келади, болам. Ана шу момомиз татиб кўрганидан сўнг сумалакка таъм, хушбўй ҳид инади. Сумалак асли Наврўз момонинг таоми, болам.

— Қандай яхши, — деб қувониб кетади жажжи қизалоқ. — Айтганингиз чин бўлса, мен ҳам кечаси ухламай Наврўз момони кутаман. Уни ўз кўзларим билан кўриб, ўртоқларимга мақтанаман.

Боботоғнинг чўққисидан ўрмалаб бундан тўрт-беш кун аввал шом еган ой чиқади. Ҳалигина қоронғи тун қўйнида торикиб турган борлиқ кумуш рангга кириб, жилоланади. Кўп ўтмай ой ва юлдузлар сумалакка қўшилиб, қоришиб қайнаётгандай кўринади. Момоси айтган эртак, кампирлар айтган қўшиқлар Райҳонанинг қулоғига алла бўлиб эшитила бошлайди. Қозон бошида тўшалган кўрпачада кўзи илинган неварасини момоси секин опичлаб ўрнига элтади.

Райҳона қуёш чиққандан сўнг уйғонади.

— Наврўз момо келиб кетдими? Мени уйғотмабсизлар. Бугун ҳам сумалак осасизлар. Мен Наврўз момомни кўришим керак, — деб гинахонлик қилади.

— Наврўз момо келди. Сенга бахту иқбол, камол тилади, — деб неварасини эркалатади момо.

...Дастурхонга тортилган, ҳали ҳовури босилмаган сумалакка биринчи бўлиб Бибинор момо қўл узатади. Сумалакни оғзига олиб бориб юртга тинчлик, элга омонлик, ёшларга умр, қариларга иймон сўрайди, «Етказганингга шукур, сумалагимиз бирам асал бўлибди», дея барчага мулозамат қилади...

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 19.30

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 318 | 22511 nusxada bosildi | 1 2 3 5